O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 24 декабрь, № 247 (4910) Пайшанба


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 декабрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Жазоир Халқ-Демократик Республикаси ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Вольфганг Нойен, Муҳаммад Воҳид ал-Ҳасан, Рамдан Мекдуд, Владимир Тюрденев ишонч ёрлиқларини топширди.***

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги сиёсий мулоқотлари фаоллашмоқда. Парламентлар ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда германиялик ишбилармонлар иштирокида тузилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Германиянинг 60 етакчи фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

— Ўз миссиям даврида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман, — деди Вольфганг Нойен. — Қўшма корхоналар кўпайиб бораётгани бу соҳадаги алоқалар истиқболли эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланган. Мамлакатларимизнинг бугунги ҳамкорлиги замон руҳига мос равишда ривожланмоқда.

Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим шерик сифатида қарайди, мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

— Мамлакатларимиз ҳам жуғрофий, ҳам маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин, — деди Покистон элчиси. — Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг ишончли шерик, деб ҳисоблаймиз. Олий даражадаги ташрифлар асносида имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон билан Жазоир ўртасидаги муносабатлар ҳамфикрлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатларимиз парламентлари, муайян вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жазоир аҳли Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди, Бухорий, Термизий каби буюк муҳаддислар ватани сифатида катта ҳурмат билан қарайди.

Ушбу мамлакат элчиси Ўзбекистон — Жазоир иқтисодий ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканини, хусусан, тоғ-кон, металлургия ва енгил саноатда, нефть ва газни қайта ишлашда самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидлади. Ўз миссияси давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва муттасил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган.

— Ўзбекистон билан муносабатлар Россия учун алоҳида аҳамият касб этади, — деди Владимир Тюрденев. — Ўзбекистондаги жараёнларни доим диққат билан кузатиб келганман. Хусусан, глобал инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатилаётгани таҳсинга сазовордир.

**(ЎзА).**



## ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ТАШАББУС

### туфайли корхоналар фаолияти янада юксалиб бораётир

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг фаолияти тобора ривожланиб бораётир.***

Айниқса, ушбу йўналишда республикамизда хорижлик ҳамкорлар учун яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит ўз самарасини кўрсатмоқда. Корхоналар томонидан кўплаб янги маҳсулот турлари ўзлаштирилаяпти. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ички истеъмол эҳтиёжини қондираяпти, балки маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини ҳам ошираяпти. Жумладан, пойтахтимиздаги "Elektron hisoblagich" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг бугунги фаолияти бунинг исботидир. Гап шундаки, айни пайтда 70 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган мазкур жамоа ойига икки минг донадан кўпроқ уч фазали, йигирма минг донадан зиёдроқ бир фазали замонавий электр ҳисоблагичларни истеъмолчиларга

**Модернизация**

етказиб бермоқда. Эътиборлиси, корхонада дастлабки йилларда 120 минг дона маҳсулот тайёрланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич бир неча бобарбарга ортди. Шунингдек, корхона мутахассислари электр энергиясини назорат қилувчи ва тижорат ҳисобини юритувчи автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимини йўлга қўйганлиги ҳам ўз самарасини бераётир. Унинг афзаллиги шундаки, ҳар бир хонадон ёки корхонада ишлатилаётган электр энергияси доимий назорат қилиб борилади. Ушбу тизим Тошкент шаҳри ва вилоятларда тажриба сифатида синовдан ўтганидан сўнг шундай хулосага келинди.

— Мазкур тизим энергияни тежаш билан бирга, истеъмолчи учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам жуда фойдалидир, — дейди корхона директори Чен Юонг Сианг. — Шу боис уни оммалаштириш мақсадида келгусида барча вилоятларда ҳам қўллашни режалаштираяпмиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Б. Усмонов ва Н. Семененко.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## БЎЛАЖАК ДИПЛОМАТЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИЛАР

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида дипломатик хизмат учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизими ташкил этилди. Бу тизим давлатимизнинг халқаро алоқалар соҳасидаги бутун фаолиятини ўзида мужассамлаштиради, мамлакатимизнинг узоқ муддатли миллий манфаатларини ҳимоя қилиш йўллари ва усулларини, асосий йўналишларини белгилаб беради.*

Бўлажак дипломатларни Ўзбекистон парламенти юқори палатаси фаолиятининг ташкил этилиши билан таништириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Олий Мажлис Сенатида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг халқаро алоқалар ҳамда халқаро иқтисодий алоқалар факультетларида таҳсил олаётган талабалар билан учрашув ташкил этди.

Учрашувга келган талабалар Сенатнинг давлат сиёсий тизимидаги роли, парламент палаталарини шакллантириш тартиби, Сенат қўмиталарининг вазифалари, шунингдек, жойлардаги сенаторларнинг фаолияти билан қизиқдилар. Хорижий давлатлардаги дипломатик миссиялар раҳбарларини тайинлаш тартиб-таомили бўлажак дипломатларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Талабаларга жаҳон амалиётига мувофиқ, икки палатали парламент шакллантирилганидан сўнг хорижий мамлакатлардаги элчиларимизни тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига киритилганлиги ҳақида батафсил маълумот берилди.

Учрашув якунида талабалар юқори палатанинг яқинда очилган музейи экспонатлари билан танишдилар.

**(ЎзА).**

## САЙЛОВ — 2009

***Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.***

2-саҳифага қаранг.

***23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.***

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 2 ва 5-моддаларига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг депутатлари сайлови — умумий, овоз бериш эса эркин ва яширин амалга оширилади. Шу муносабат билан йиғилишда бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар, шу жумладан, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасига кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ушбу меъёрга мувофиқ, йиғилишда Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган яна 20 нафар кузатувчини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди. Буюк Британия, Германия, Индонезия, Бирлашган Араб Амирликлари, Украина, АҚШ, Ислом Конференцияси Ташкилоти кузатувчилари шулар жумласидандир. Умумий ҳисобда сайловни кузатиб боришда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 270 дан зиёд кузатувчи иштирок этади.

Бундан ташқари, мамлакатимизга келиб, сайлов жараёнини ёритиш истагини билдирган чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар орасида Миср, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Малайзия, Россия, Саудия Арабистони, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан журналистлар бор.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 47[1]-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференциясида сайланади. Йиғилишда Марказий сайлов комиссиясининг ушбу Конференцияда иштирок этиш учун ўз вакилларини тайинлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Сайлов жараёни мониторинги доирасида йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти натижаларини ҳам муҳокама қилди. 9-Андижон, 22-Когон ва 65-Сайхунобод округ сайлов комиссиялари раисларининг бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

**Сўз – халқаро кузатувчиларга**

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ РУҲИ БИЛАН ЯШАЁТИР

***Шу йилнинг 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан юзлаб вакиллар иштирок этади. ЎзА мухбирлари мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг илк таассуротлари, сайлов жараёнлари тўғрисидаги фикрлари билан қизиқди.***

**Чой ЁН ХА, Корея Республикаси Сонмун университети профессори:**

— Ўзбекистонда сайловга оид қонун ва ҳужжатлар ҳамда уларга киритилган ўзгартиришлар билан батафсил танишиб чиқдим. Улар халқаро меъёрларга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларни ифода этади. Чунончи, парламент сайловида кўплаб халқаро кузатувчиларнинг иштирок этаётгани ҳам Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган улкан ишларнинг амалдаги самарасидир.

(Давоми 3-бетда).

***Айни кунларда мамлакатимиздаги барча сайлов участкаларида шу йил 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Жойларда депутатликка номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтаётир. "Халқ сўзи" газетасининг Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари мухбирлари шу ҳақда хабар қиладилар.***

## ФАОЛ ВА ҚИЗҒИН

### Сайловчилар ва депутатликка номзодлар учрашувлари ана шундай тарзда ўтмоқда.

**ЖИЗЗАХ** шаҳридаги мавжуд 41 та сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга пухта тайёргарлик кўрилаётир. Ушбу сайловда шаҳарда истиқомат қилувчи 87750 нафар сайловчи овоз беради. Уларнинг 4805 нафари сайловларда илк маротаба иштирок этаётган ёшлардир.

— 17-Жиззах сайлов участкаси ҳудудида кўплаб ўқувчи-талабалар истиқомат қилиши ҳамда бу ерда Жиззах давлат педагогика институти талабалари тураржойлари жойлашганини эътиборга олиб, тайёргарликни ёшлар ўртасида сайловлар тўғрисидаги қонунларни ўрганишга қаратилган тадбирларни ўтказишдан бошладик, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Фурқат Қаюмов. — Хусусан, яқинда Транспорт алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда педагогика институти талабалари иштирокида уюштирилган тадбир таъсирли ва мазмунли ўтди.

(Давоми 3-бетда).

## ЛОЙИҲАЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди жорий йил давомида 6 та грант танловини эълон қилган эди. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ушбу грант танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Хабарингиз бор, мазкур жамоат фонди 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарорига асосан ташкил этилган эди. Мазкур қарорда у Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлаш, улардан мустақил ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, долзарб ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этишда уларнинг фаол иштирок этишига қаратилган дастурларни молиялаштириши белгиланган. Жамоат фонди маблағлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларидан, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг экспертларидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ вакилларидан иборат Парламент комиссияси томонидан бошқарилади.

Ҳозирда, қайд этиш жоиз, мамлакатимиздаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётининг турли соҳаларида — иқтисодий, ижтимоий, маданий гуманитар жабҳаларда фаолият кўрсатиб, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифодаламоқда. Шу нуқтаи назардан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган грант танловларига тақдим этилган лойиҳалар, асосан, қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда мустақил оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

(Давоми 3-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда республикада махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларга

(Давоми 3-бетда).

## ТУРАРЖОЙ МАЖМУАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

***Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони вилоятнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.***

Реконструкциядан сўнг янгича қиёфа касб этган, жаҳон андозаларига мос "Навоий" халқаро аэропортида кўплаб хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташувчи самолётлар парвози йўлга қўйилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Korean Air" авиакомпаниясининг тураржой мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда кореялик ишбилармонлар, жамоатчилик вакиллари, қурувчилар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг қамрови кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг эътибори самарасида қисқа муддатда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани бунинг далилидир.

— 2008 йилнинг 27 августида Навоий аэропортига "Korean Air" авиакомпаниясининг биринчи юк ташиш самолёти келиб қўнган эди, — дейди ушбу компания вице-президенти Чи Чанг Хун. — Шундан буён бу ерда катта ўзгаришлар бўлди. Хусусан, Навоий аэропортида "Korean Air" авиакомпанияси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари"

(Давоми 3-бетда).

## «Sino»нинг янги совутқичлари

### сифатли, замонавий ва рақобатбардош

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида уларда нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки янги-янги маҳсулотларни ўзлаштириш имконияти ҳам яратилаяпти. Қолаверса, юртимизда хорижлик ҳамкорлар учун қулай инвестициявий муҳитнинг мавжудлиги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Бунга Самарқанд шаҳридаги "Sino" очиқ акциядорлик жамияти фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, шу кунларда бу ерда электрон ҳамда мураккаб маиший техника ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи корхоналаридан бири — Жанубий Кореянинг "LG Elektronics" компанияси билан ҳамкорликда замонавий совутқичлар ишлаб чиқарила бошланди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалга киритилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 9,8 миллион АҚШ долларига тенг.

(Давоми 3-бетда).



O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

***Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда қарор топган кўп партиявийлик шароитида ўтаётган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда ўз номзодлари билан иштирок этаётган сиёсий партиялар учун жиддий имтиҳон эканлиги сир эмас. Ҳақиқатан ҳам, мазкур сиёсий-ижтимоий жараён мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муҳим синов, жиддий имтиҳон саналади.***

## Куч — адолатда

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ПРИНЦИПИ

### тараққиёт ва фаровонликка эришишнинг асосий омили

Бу имтиҳон, шубҳасиз, биринчи навбатда, сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини намоён этади, бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиб, сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини англатишидан далолатдир.

Дарҳақиқат шундай. Парламент сайловлари, таъбир жоиз бўлса, кимнинг кимлигини, тарғиб қилинаётган дастурлар нечоғли ҳаётий ва мақбул эканлигини ва яна — ўзаро рақобат курашида сиёсий партиялар эгаллаган баҳс маданиятини намойиш этади. Бугунги сайловчи бундан йигирма йил аввалги, "Қўлингни кўтариб тасдиқла", деса, гулдурос қарсаклар остида бир овоздан тасдиқлайверадиган, кимга ва нимага овоз бераётганини ўйлаб ҳам ўтирмайдиган сайловчидан кескин фарқ қилади. Бугун ҳар бир овоз эгаси мустақиллик йилларида мамлакатимизда қарор топган янги сайлов тизими, сайлов қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан, тўпланган тажрибадан яхши хабардор. Бинобарин, у сайловолди учрашувларида сиёсий партияларнинг номзодларини жиддий саволга тутиши, унинг бу мураккаб ишга тайёр ёки тайёр эмаслигини, дунёқарашини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим жиҳатларидан нечоғли хабардорлигини синовдан ўтказиши мумкин. Шундай бўлмоқда ҳам. Эндиликда сайловчиларни умумий шиорлар, овоз беришга чақирувчи мавҳум даъватлар, қуруқ ваъдалар ёки давлатнинг ўзи изчил шуғулланаётган у ёки бу муаммо ечимига шунчаки шерик бўлиш билан қаноатлантириб бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир партия сайловчи олдида ўз ҳурмат-эътиборини сақлаган ҳолда, сиёсий кураш маданиятига риоя қилиб, баҳс майдонига баландпарвоз ваъдалар ёки рақобатчи партияни обрўсизлантирадиган эҳтирослар билан эмас, амалий таклифлар, эътиборга молик мулоҳаза ва таҳлиллар билан чиқиши керак. Шу жиҳатдан қараганда, сайловолди тарғиботида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасидаги қизғин баҳсни ижобий баҳолаш мумкин, аммо баҳс экан деб, ҳар икки томон ҳам қизишиб, бири-бирига тинимсиз тош отаётгани кишида таажжуб уйғотади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастури ва умуман, партиямиз фаолиятининг бош мақсади "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" деган шиорга асосланади. Инсоният неча минг-минг йиллардан бери ижтимоий адолат, тенглик учун курашади, шу тенглик асосида тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиришни, болаларининг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади. Жамият ҳаётидаги ҳар бир ислоҳот, энг аввало, шу жамият аъзоларининг тенг манфаатларини кўзда тутиши керак. Шу боисдан ҳам биз мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор, инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масала ва муаммолар ечимини фақат давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкламай, бу йўналишда меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Бугун, сайловолди тарғиботи айни авжига чиққан бир пайтда, матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда, телекўрсатувларда, сайловчилар билан учрашувларда меҳнаткашларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, мамлакатимизнинг эртанги истиқболига бевосита дахлдор фикрлар билан бирга, мантиққа у қадар мос келмайдиган, бири иккинчисига зид мулоҳазалар, шунчаки обрў олиш илинжида мавжуд муаммоларни бир ҳамла орқали ҳал қилиб ташлайдиган ажабтовур таклифлар ҳам зўр эҳтирос ила билдирилмоқдаки, уларнинг баъзилари кишини мулоҳазаю мунозарага чорлайди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ижтимоий соҳага ҳомийлик ва саҳоватпешалик қилиш ҳаракатини мамлакат бўйлаб кенг авж олдиришнинг таъсирчан чораларини кўриш ниятида эканликларини баён қиладилар. Қани эди, шундай бўлса. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, бу "таъсирчан" чоралар нималардан иборатлиги, ҳомийлик ва саховатпешалик ҳаракатини бутун мамлакатда авж олдириш учун аниқ нима ишлар қилиш лозимлиги мавҳум бўлиб қолаяпти-ку. Бизнингча, бундай мақсадга эришиш учун, аввало, қонунларимизда у ёки бу соҳага ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган ташкилотлар, хусусий мулк эгаларига маълум моддий-маънавий имтиёзлар кўзда тутилиши лозим эмасми? Ҳомий бир марта, борингки, икки марта ёрдам кўрсатади. Агар унга бу ишдан бирор-бир манфаат бўлмаса, учинчисида узр сўрайди.

"Миллий тикланиш"чилар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, фан, адабиёт ва санъат, спорт каби соҳалар ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни маъқуллашларини айтадилар. Очиғини айтганда, бу мақсад кимга ёқмайди, ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз, аслида, шу эмасми?! Аммо давлатимизнинг у ёки бу соҳадаги сиёсатини шунчаки қўллаб-қувватлаш билангина масалани ҳал қилиб бўлмайди. Партия фаоллари бу борада ўз имкониятлари даражасида нима ишлар қила олишларини аниқ-равшан баён этганларида, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловолди дастурида ҳам бир нечта баҳсли ўринлар мавжуд. Чунончи, улар бундан буён ҳам тадбиркорлар, фермер ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишда давом этажакларини бор овоз билан маълум қилмоқдалар. Бунинг ёмон жойи йўқ, мулкдор, тадбиркор ёки бақувват фермер ҳамроҳинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Аммо бизнингча, бугунги мураккаб шароитда аҳолининг барча қатламларини ижтимоий адолат принциплари асосида имконият даражасида қўллаб-қувватлаш лозим. Меъёридан ортиқ қўллаб-қувватлаш ҳам, маълум маънода, боқимандалик кайфиятига олиб келади.

ЎзЛиДеПчилар "инқироздан кейинги даврда ўрта синф вакилларининг самарали фаолияти учун янада кенг имкониятлар яратадиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хусусий секторнинг тараққиётига хизмат қиладиган чора-тадбирларни кўришни" ўзларининг иқтисодий соҳадаги муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Ажабо, наҳотки мамлакат парламентида аҳоли маълум бир қатлами манфаатларини ифодалайдиган алоҳида қонун қабул қилиш мумкин бўлса? Қонунларимиз мамлакатимизда яшаётган барча аҳоли, турли миллат вакиллари, турли касб эгалари манфаатларига бирдек мос келиши зарур-ку?!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси шуни эътироф этадики, сиёсий партияларнинг фаолияти аҳил-иноқликда, тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилаётган Ўзбекистон халқининг муштарак манфаатларини ҳимоя қилиши, миллий тараққиётимизга, мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига, муҳтарам Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, келажак авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолишига қаратилмоғи даркор. Тўрт партия араванинг ғилдирагини тўрт томонга қараб бурадиган бўлса, амалий ишлардан кўра, сиёсий нотиқлик маҳоратига кўпроқ эътибор қаратилса, бу муддаоларга эришишимиз анча қийин кечади.

Биргина соғлиқни сақлаш соҳасини олайлик. Партиямиз бу борада аҳолининг турли қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш ва уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, бу секторда давлатнинг устувор позициясини бундан буён ҳам сақлаб қолиш, мазкур позиция қандай самара бераётганини доимий равишда назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини янада мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тарафдори.

Партия бу борадаги ўз саъй-ҳаракатларини бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назоратни кучайтиришга йўналтиради. Шу ўринда бир муҳим масалага ойдинлик киритиб олайлик. Тиббиётда хусусий секторга меъёридан ортиқ даражада эътибор берилса, хусусий поликлиника, хусусий даволаш муассасалари ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, аҳоли соғлиғини сақлашда жиддий муаммолар ҳам келиб чиқади, масъулиятсизлик, уқувсизлик юзага келади. Матбуотда врачлик қасамёдига хиёнат қилиб, беморларни даволаш ўрнига улардан имкони борича кўпроқ манфаат кўриш илинжида юрган, қалбаки дори-дармонларни сотиб, бу ишнинг аянчли оқибатларини ўйламай, мўмай даромад кўраётган қаллоблар тўғрисида тез-тез ёзилмоқда. Шундай экан, ЎзЛиДеПчиларнинг тиббиётда хусусий секторни янада кучайтириш режаларини қабул қилишдан олдин бу масалани чуқур ўйлаб кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Муҳтарам сайловчилар эътиборини яна бир муҳим масалага қаратмоқчимиз. Бизнинг назаримизда, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида жамиятда мулкдорлик нуқтаи назаридан одамларнинг кескин табақалашувига, яъни бойлар ва камбағаллар, кам таъминланганларнинг орасидаги фарқ тобора ўсиб боришига бефарқ қараб бўлмайди. Истиқлол шарофати билан бизда янги мулкдорлар синфи шакллана бошлагани, шубҳасиз, катта ютуқ. Аммо "Бой бойга боқар, сув сойга оқар" деганларидек, турли йўллар билан катта бойлик орттириб, босар-тусарини билмай қолаётганлар кўпайса, бу ҳолат жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, бу тўғрида бизга рақобатчи бўлган учала партия дастурларида деярли ҳеч нима дейилмаган.

Ва ниҳоят, ЎзЛиДеПчилар меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш учун уларни тадбиркорлик ишига жалб этиш лозим, деб ҳисоблашади. Маъзур тутгайсизлар, тадбиркорлик дегани, қани бошладик деса, ўз-ўзидан юришиб кетадиган иш эмас. Бунинг учун ҳам маълум малака ва салоҳият зарур. Қолаверса, иш билан таъминланмаган аҳолининг асосий қисми тадбиркорликдан кўра, ўзига маъқул келадиган, маоши оиласини боқишга етадиган бирор юмуш билан шуғулланишни афзал билади. Бундан кўринадики, биз таклиф этаётган инновация типидаги иқтисодни юзага келтириш, одамларни улар бажараётган ишнинг бевосита самарасига қараб рағбатлантириш усули ҳар жиҳатдан маъқулдир.

Хулоса қилиб айтганда, агар биз мамлакатда ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигига эришсак, бутун фаолиятимизни, саъй-ҳаракатларимизни шу эзгу мақсад йўлида сарфласак, сайловчилар, эл-юртимиз олдида юзимиз янада ёруғ бўлади.

**Улуғбек ХАТАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

***Барчамизга маълумки, мамлакатимиз катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов арафасида турибди. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистонда сайловнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган демократик модели яратилди.***

# АМАЛИЙ ИШЛАР ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Сайловда иштирок этувчи барча сиёсий партияларга тенг имкониятлар таъминланди. Жумладан, сиёсий партиялар ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение имкониятларидан бепул ва тенглик асосида фойдаланмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари, барча даражадаги номзодлари ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Партиямиз сайловолди платформасида кўзда тутилган мақсад ва ғоялар ҳамда вазифалар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотганлигига жойларда ўтаётган кўплаб учрашувлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ғояга содиқ, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, миллий ишлаб чиқарувчилар ва миллий бозоримизни ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини миллий анъаналаримиз руҳида ислоҳ қилишни янада кучайтириш сингари масалалар одамларни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Сайловчиларга партиямиз ҳаракат дастуридан жой олган вазифаларни бажариш йўллари ва механизмлари ҳам аниқ айтилмоқда. Биз ўзимизнинг дастурий мақсадларимизни ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўп жой олиш ҳамда қарорлар ва қонунлар қабул қилишда фаол иштирок этиш билан амалга оширишни кўзда тутганмиз. Бошқа айрим партиялардан фарқли ўлароқ, чиройли шиорлар, баландпарвоз ваъдалар билан шуғулланаётганимиз йўқ. Зеро, бугун одамлар сиёсий партиялардан амалий ишларни, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида масъулиятни ўз зиммасига олишни кутмоқда.

Кейинги кунларда бошқа сиёсий партиялар вакилларининг телевидение ва матбуот орқали чиқишларини кўриб, уларнинг сайловолди дастурларидан бохабар бўлмоқдамиз. Шу билан биргаликда, айрим сиёсий партиялар вакилларининг баландпарвоз ваъдаларини эшитиб, улар сайловга қандай ғоя ва мақсадлар билан кириб келишди, мабодо сайловда ғалаба қозонишса, қандай вазифаларни амалга оширмоқчилар, деб ўзингизга қайта-қайта савол берасиз. Бироқ бу саволга жавоб топишингиз амримаҳол. Масалан, "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакилларининг сўзамоллик билан кўп ва хўб ваъдаларини тинглаб бўлганимиздан кейин, узуқ-юлуқ сўзлардан ташқари ҳеч нарсани эслаб қололмадик. Хусусан, "Адолат" СДП вакиллари ўз чиқишларида кучли суд ҳокимияти бўлмаган жойда адолат бузилишини таъкидлайди. ЎзЛиДеП эса унга жўр бўлиб, суд ҳокимиятини такомиллаштириш чораларини кўрамиз, деб ваъда қилди. Лекин ҳар иккаласи ҳам бу вазифаларни қандай йўл билан амалга оширмоқчи эканликлари ҳақида лом-мим демади.

"Адолат"чилар қонунларни аҳолига етказишнинг муқобил механизмларини янада такомиллаштириш ҳақида даъво қилишмоқда. Гап қандай муқобил механизм ҳақида кетаяпти, улар нимани таклиф этишмоқчи, бу мутлақо тушунарсиз. Ахир мамлакатимизда қабул қилинган ҳар бир қонунгина эмас, балки қонуности ҳужжатлари ҳам газета-журнал ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда-ку. Телевизорнинг тугмачасини боссангиз ёки радионинг қулоғини бурасангиз, ҳар куни бир эмас, бир неча бор қонун тарғиботига гувоҳ бўламиз. Интернет тармоғидан эса Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ҳужжатларини топиш имкони мавжуд.

"Адолат" СДП аъзолари телевидение орқали чиқишларида иқтисодий соҳада аҳолининг истакларини ифода этиш асосий вазифамиз, деб эълон қилмоқдалар. Лекин иқтисодий соҳага инновация қўллашни, бор-йўғи, икки нафар олимнинг ишланмалари орқали тасаввур қилишмоқда. ЎзЛиДеП вакиллари эса гапни партия платформасида иқтисодий соҳада кўзланган мақсадлар қуруқ ваъдалар ва қуруқ чақириқлардан иборат эмаслигидан бошлаб, бутун кўрсатув давомида фақат қуруқ, баландпарвоз декларатив характердаги фикрларни баён этдилар.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги, "Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар пакетлари тайёрлаб қўйилганлиги ҳақида сўз юритдилар. Ҳақли савол туғилади, агар айтилган "пакет"лар тайёр бўлса, партия фракцияси шу пайтгача уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритмасдан, нимани кутиб турибди ёки "пакет"ларнинг ичи ҳали бўшмикан?

Кейинги пайтда ЎзЛиДеП фаолиятида яна бир ғалати тенденция кўзга ташланмоқда. Масалан "Миллий тикланиш" демократик партиясими ёки ХДПми, бирор-бир ғояни илгари сурса, "Бу бизнинг либерал ғоямиз", деган иддао қилинмоқда. ЛиДеПчилар ўз иш фаолиятларида хусусийлаштиришни яхши ўзлаштириб олишган кўринишади. Улар бу ўринда "либерал" ғояни ҳам "хусусийлаштирмоқчи" бўлишмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган телемунозаралардан бирида ЎзЛиДеП вакили дабдурустдан қадимдан юртимизда мавжуд бўлган илмий мактаблар ва хусусан, Маъмун академиясини партияга нима алоқаси бор, деб қолди. Биринчидан, буюк аждодларимизнинг бой ва бетакрор илмий меросини ўрганиш, уни маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳамда бўлғуси авлодга етказишни қўллаб-қувватлаш ва шу асосда фундаментал фан ривожига ҳисса қўшиш партиямизнинг сайловолди платформасидан жой олган. Дарҳақиқат, Муҳаммад Мусо Хоразмий саноқ тизимини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини илм-фан соҳасига илк бор жорий этиб, аниқ фанлар ривожига буюк ҳисса қўшди. Аҳмад Фарғоний эса астрономия фани асосчиларидан бири сифатида тан олинган. Абу Райҳон Беруний аниқ фанлар ривожига қўшган ҳиссаси билан қомусий тафаккур соҳиби, дея бутун дунёда эътироф этилади. Ноёб фазилатлар соҳиби Ибн Сино ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда тиб илмининг тамал тошини қўйган зот сифатида "Луқмони Ҳаким" деган номга сазовор бўлган. Теран билим соҳиби ва илмий салоҳияти билан ислом дунёсини лол қолдирган Маҳмуд Замахшарий бобомиз мардлик, шижоат ва донишмандлик рамзи бўлган, давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва маънавият ривожига раҳнамолик қилган. Соҳибқирон Амир Темур, илм-фан ва маданиятнинг тараққий этишига ҳисса қўшган давлат арбоби, буюк астроном Мирзо Улуғбек, улкан сўз санъаткори Алишер Навоий сингари боболаримиз, илмий-ижодий меросимизни юқорига кўтарган кейинги авлод вакилларимиз билан фахрланишимиз ва уларнинг буюк кашфиётларидан кўнгилларимиз ғурурга тўлишига тўла ҳақлимиз. Мустақиллик йилларида аждодларимизнинг номи ҳамда илмий-маданий мерослари тикланди ва халқимизга қайтарилди. Партиямиз ўзининг ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, ана шундай эзгу жараёнларни янада чуқурлаштиришга ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйган.

Иккинчидан, сиёсий партия халқ ва жамият ҳаёти билан боғлиқ барча воқеаларга ўзини дахлдор, деб билиши керак.

Хуллас, истардикки, партия фаоллари ўз сайловчилари олдида тўғрисўз бўлсалар-у, фақат ўзлари амалга оширган ва амалга ошира оладиган ишлари ҳақида гапириб, сайловолди ваъдаларини қандай йўллар билан бажаришларини ҳам очиқ-ойдин баён этишса. Ахир, ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сафига барқарор миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳалари ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини бирлаштирар экан, энг аввало, бутун куч-ғайратини уларнинг манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этишга ва ҳимоя қилишга интилади.

Партиямиз мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитишни, бир сўз билан айтганда, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни асосий мақсад, деб билади.

Яъни, ушбу ғоя асосида баркамол авлодни шакллантириш, халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш партиямизнинг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Партиямиз Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва миллий мероси ҳар томонлама асраб қолиниши тарафдори экан, Ўзбекистоннинг гуманитар салоҳияти тўғрисидаги холис, серқирра ахборот кенг халқаро жамоатчилик, хорижий мамлакатларнинг сиёсий ва эксперт доиралари эътиборига етказилиши ҳам энг долзарб вазифаларимиздан бири эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Миллий тикланишни "миллий қадриятлар", "миллий онг", "миллий ғурур", "миллий ифтихор" каби улуғ тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партия Дастурида миллий анъаналарни, миллий қадриятларни сақлаш, Ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан ғурурланиш, фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, партия ўзининг амалий фаолияти давомида шундай фазилатларга эга бўлган, том маънодаги фидойи ватанпарвар ёш авлоднинг камол топишига алоҳида эътиборини қаратади. Энг муҳими, партиямиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясига миллий анъаналар ва қадриятларни асраш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб қарайди.

Ҳурматли сайловчилар! Партиямиз Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшишга қатъий бел боғлаган, улуғвор қадрият ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, бугунги кун талаби асосида янада ривожлантиришга интилаётган сиёсий кучдир. "Миллий тикланиш" — бу сизнинг партиянгиз! Биз учун овоз беринг!

**Одилжон ҲАҚҚУЛОВ,**
**ЎзМТДП аъзоси.**

# ФАОЛ ВА ҚИЗҒИН

## Сайловчилар ва депутатликка номзодлар учрашувлари ана шундай тарзда ўтмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Коллежнинг ҳуқуқшунослик бўлимида таҳсил олаётган Комила Пардаева ҳамда Дадахон Эсонов барча тенгдошлари билан партиялардан тавсия этилган номзодларнинг эл орасидаги обрў-эътибори, меҳнат фаолияти ва сиёсий қарашлари ҳақида фикрлашиб, муносиб номзод учун овоз беришга тайёр эканликларини билдиришди.

Дарвоқе, участка сайлов комиссияси аъзолари айни пайтда сайловчиларни ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилишмоқда.

**СУРХОНДАРЁ** вилоятида ҳам бўлажак сайловларга тайёргарлик авж палласига кирди.

— Бу галги сайловлар ва уларга тайёргарлик жараёнлари олдингиларидан анча фарқ қилади, — дейди вилоят сайлов комиссияси раиси Тўра Боболов. — Аввало, ўтган давр ичида фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ўсиб, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси кучайганлигини таъкидлаш жоиз. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни ошириб, сайлов қонунчилиги ҳамда бошқа ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларга оғишмай амал қилишимизга ундамоқда.

Вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 9 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 55 та округ сайлов комиссияси ташкил этилди. 652 та сайлов участкаси шакллантирилиб, уларда зарур шарт-шароитлар яратилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий тайёргарлиги янада кучайтирилди. Бугунги кунда вилоят бўйича 1,8 миллиондан зиёд сайловчи қайд этилган бўлиб, улардан 40 мингдан кўпроғини сайловда илк бор овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган 18 ёшлилар ташкил этади.

— 73-Шўрчи сайлов округи таркибидаги 62 та сайлов участкасига қарийб 128 минг нафар сайловчи ташриф буюриб, овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланадилар, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Ҳамза Ҳайитов. — Сайлов участкалари учун 8 та коллеж, 52 та мактаб ва 2 та маҳалла фуқаролар йиғини биносидан хоналар ажратилиб, уларнинг ҳар бири замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланган. Туман газетасида сайловга оид маълумотлар изчиллик билан эълон қилинмоқда, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари учун очиқ мулоқотлар ўтказилиб, сайлов қонунчилигига оид материаллар тарқатиб борилмоқда. Узоқ сафарга кетаётган сайловчиларимиз сайлов варақалари орқали сайловда қатнашиш конституциявий ҳуқуқларидан фойдаландилар.

Юртимизнинг барча воҳаларида бўлганидек, **СИРДАРЁ**да ҳам энг катта сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Сайловни ошкоралик, тенг ва демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун сайловолди тарғибот ишлари давом этмоқда.

Вилоятда 253 та сайлов участкаси тузилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи 66-Янгиер сайлов округи Янгиер шаҳридаги академик лицей биносида жойлашган.

— Округимиз ҳудудида 68 та сайлов участкаси ташкил этилган, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Бозорқул Худойбердиев. — Юз мингдан зиёд фуқаро сайловда қатнашади. Улар ҳозирда сайлов участкаларида ташкил қилинган сайлов билан боғлиқ ҳуқуқий адабиётлар, қонунлар ва ижтимоий-сиёсий газета-журналлардан бемалол фойдаланиб, ўзларининг сиёсий билимларини янада мустаҳкамламоқдалар.

— Мен бу йил илк маротаба сайловда иштирок этаман, — дейди Янгиер академик лицейи ўқувчиси Достон Эшонқулов. — Барча сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқдим. Юртимиз келажаги, тараққиётига ҳисса қўшадиган муносиб номзодга овоз бераман.

**Б. САТТОРОВ,**
**Г. ТАНГИРОВА,**
**Ш. ХОЛМУРОДОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ РУҲИ БИЛАН ЯШАЁТИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингиз аҳолиси сайлов руҳи билан яшаётганининг гувоҳи бўлдим. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолалар, намойиш этилаётган аксарият кўрсатув ва эшиттиришлар сайловга бағишланган, кўчалар ва биноларда депутатликка номзодларнинг плакатлари ҳамда сайловчиларни овоз беришга чорловчи шиорлар осилган. Миллий телеканалларингиз орқали номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловолди ташвиқотлари ва баҳс-мунозараларини кўрдим. Булар сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида муносиб номзодни танлашга бўлган имкониятларини янада кенгайтиради.

Мен 2007 йили мамлакатингизда ўтказилган Президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этгандим. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови очиқ, ошкора ва муқобиллик асосида ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўшанда сайловчиларнинг фаоллиги ва сайловнинг барча демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда ўтгани мени лол қолдирганди. Кўплаб мамлакатлар сайловларни ўтказиш борасида Ўзбекистондан ўрганса арзийди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, иқтисодий, савдо ва сармоявий каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётир. Мен Ўзбекистонда бир неча йил элчи лавозимида фаолият юритиш шарафига муяссар бўлганман. Ўзбекистон истиқлол йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Ҳар келганимда юртингиз иқтисодиётининг жадал тараққий этаётгани, шаҳар-қишлоқлар қиёфасининг тобора гўзаллашаётгани, халқингиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётганини кўриб, чин дилдан қувонаман.

**Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори, "Глобал илмий нашриётлар" маркази директори:**

— Ўзбекистон Республикаси Парламенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатингизга ташриф буюрганимдан ғоят мамнунман. Юртингизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар бераётган самаралар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварликни қарор топтириш, тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида бемисл ишлар амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Бу сиёсий партияларнинг сайловолди курашларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мен дунёнинг кўплаб нуфузли олий таълим даргоҳларида, жумладан, мамлакатингиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида ҳам таълим берганман. Шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти бошқа мамлакатлар йигит-қизлариникига нисбатан анча юқори. Бу эса юртингизда таълимни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг юксак самараларидандир. Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётгани — жуда улуғ иш. Зеро, ҳар бир мамлакат келажаги ёшлар қўлидадир.

Экология бугун дунёдаги долзарб муаммолардан. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, Орол денгизи ва ер қатламларининг қуриши каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган Экологик ҳаракатга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 депутатлик ўрнининг берилиши мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларга ёрқин мисол бўла олади.

**Нерри ЮШВАЕВ-КАВАЛЬЕР, АҚШ ва Канададаги бухоро яҳудийлари конгресси бошқаруви аъзоси:**

— Ўзбекистонда бир неча бор сайлов жараёнларида кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ҳар сафар сайловларни ташкил этиш савияси тобора юксалаётганининг гувоҳи бўламан. Юртингизда сайловнинг демократия тамойиллари асосида, халқаро меъёрларга тўлиқ мос ҳолда очиқ ва ошкора ўтиши қонуний кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси сайловига оид барча қонун ва ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгартишлар билан танишиб чиқдим. Шуни ишонч билан айта оламанки, мамлакатингизда фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалда ижросини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга тўла жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилган ҳамда бу тизим жуда тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган. Биз ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олсак арзигулик жиҳатлар кўплигини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистонда сайловолди жараёнлари, депутатликка номзодларнинг дастури, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан яқиндан танишмоқдаман. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилгани қонун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилашдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

***ЎзА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ушбу танловда ғолиб бўлганлигим туфайли ўзимга бўлган ишончим ортди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими директори Саломат Эржанова. — Эндиликда лойиҳамизга асосан, энг чекка қишлоқларда, мактаб ва коллежларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш бўйича қўлланма тайёрлаш кўзда тутилган. Чунки бугунги кунда аҳолининг, айниқса, уй бекаларининг тиббий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

# ЛОЙИҲАЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ушбу грант танловларида мамлакатимиздаги 250 дан зиёд жамоат ташкилотлари иштирок этди. Унда жами 330 дан ортиқ лойиҳалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарорига биноан, 75 та лойиҳа ғолиб деб топилди ва уларни молиялаштириш учун жами 480 миллион сўм ажратилди.

Қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда аёллар, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби устувор йўналишларга бағишланган лойиҳалар, табиийки, юртимиз тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

яратилган шарт-шароитлар аҳволи ҳамда бу борада Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда республика бўйича 18 ёшгача бўлган 125 минг нафар ногирон боланинг 45 минг нафари шаҳар ва туман марказларида, 80 минг нафари қишлоқ жойларида яшаши, жорий йилда 442 нафар ногирон бола реабилитация қилинганлиги, 587 нафари соғломлаштирилганлиги, 939 нафар ногирон бола протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланганлиги, «Мурувват» уйларига 1,3 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилганлиги қайд этилди.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида махсус мактаб ва мактаб интернатлари тарбияланувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, соғлиғини муҳофаза қилиш, таълим олиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида ҳудудий комиссиялар томонидан ижтимоий таъминот бўлимлари, соғлиқни сақлаш ва таълим идоралари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан биргаликда, йиғилишда жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини самарали ташкил этиш, моддий-маиший таъминотини яхшилаш, ногирон болаларга протез-ортопедия маҳсулотлари ва бошқа реабилитация техника воситаларини ўз вақтида етказиб бериш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи, комиссия аъзоси А. Хаитовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Акбарова иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

# «Sino»нинг янги совутқичлари

## сифатли, замонавий ва рақобатбардош

(Давоми. Боши 1-бетда).

— "LG Elektronics" компанияси билан келишилган битимга кўра, ҳамкорлик икки босқичда амалга оширилади,— дейди "Sino" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Отабек Нарзуллаев. — Биринчи босқич 2010 йилнинг охиригача мўлжалланган бўлиб, бу давр ичида 50 минг дона "LG" русумли совутқич ишлаб чиқарилади. Айтиш жоизки, бунга эришиш учун имкониятларимиз етарли. Яъни корхонамизнинг цехларига кореялик мутахассислар томонидан замонавий йиғув линияси ўрнатилди. 2011 йилга режалаштирилаётган иккинчи босқичда эса такомиллаштириш ва қайта жиҳозлаш орқали совутқич ҳамда музлаткичларнинг янги турлари тайёрланиб, ишлаб чиқариш ҳажми 100 минг донага етказилади.

Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. "LG Elektronics" компанияси иштирокида "Sino" очиқ акциядорлик жамиятида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани ана шундай ишончли ҳамкорликнинг самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зеро, ушбу ҳамкорлик янги иш ўринлари яратиш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулот билан таъминлаш баробарида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳам муносиб улуш қўшиши муқаррар.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТУРАРЖОЙ МАЖМУАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

миллий авиакомпаниясининг юк ташиш рейслари сони кескин кўпайди. Мен бу ерда Жанубий Корея, Сингапур, Хитой каби давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарни кўриб, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш дастури изчил амалга оширилаётганига амин бўлдим. "Korean Air" авиакомпанияси бу ерда 17,2 минг квадрат метрдан иборат майдонда уч блокли 90 та уй-жой қуришни режалаштирган. Бугун улардан бирининг дастлабки ғишти қўйилди. 2010 йилнинг август ойида қурилиш ишлари якунланиши кўзда тутилаётган мажмуа ҳудудида истироҳат боғи, маданий-маиший иншоотлар ҳам барпо этилади.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёнг Джэ Мин иштирок этди.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

***Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти мустаҳкамланишида молия муассасаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикамиздан қиёс: бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисобига иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари ривожланиб бораётир. Мисол учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни олиб кўрайлик. Ушбу соҳа вакиллари тараққиётнинг таянч кучига айланиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ҳажм жиҳатидан кўпаймоқда, балки сифатлилиги билан ҳам ҳаммага маъқул тушмоқда.***

MIKROKREDITBANK

# ХИЗМАТ ИШОНЧЛИ, САМАРА ЮҚОРИ

Бундай хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама қулай, имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиб, хизматлар кўрсатишда эса "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Хусусан, мазкур банкнинг Андижон вилояти филиалида жорий йилнинг ўн бир ойи давомида 2298 та мижозга 12,56 млрд. сўм миқдорида микрокредит ажратилиб, микролизинг хизматлари кўрсатилди. Ажратилган микрокредитларнинг 1,8 млрд. сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 7,1 млрд. сўми айланма маблағни тўлдиришга йўналтирилган бўлса, 2,3 млрд. сўми лизинг хизматлари учун ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробарга кўплиги қувонарлидир.

Дарҳақиқат, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг аҳоли орасига бу қадар кенг кириб бориши, мижозлари сонининг кўпайишида кўплаб омиллар муҳим аҳамият касб этаётир. Кейинги йилларда банк жамоасининг ҳар бир маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинларида турли мавзуларда учрашувлар уюштираётгани, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган кишиларга бепул ўқув курслари ташкил этаётгани шулар сирасига киради.

Албатта, бу жараёнда Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Жумладан, филиал жамоаси давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш учун 2,17 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада уч мингдан ошиқ киши иш билан таъминланди.

**Молия муассасаларида**

Шу ўринда, республикамизда кун сайин ривожланиб бораётган тармоқлардан яна бири — сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига тўхталсак, ҳозирда замонавий услубда қурилган ҳамда зарур ускуналар билан жиҳозланган савдо, умумий овқатланиш, транспорт, телекоммуникация, сайёҳлик ҳамда меҳмонхона иншоотлари шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Пировардида минглаб янги иш ўринлари яратилаяпти. Бунда, табиийки, филиал жамоаси томонидан ўтган вақт ичида савдога ярим миллиард, маиший хизмат кўрсатишга 1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, лизинг хизматлари кўрсатилгани қўл келаётир.

Банк филиали, шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан салкам 462 миллион сўм миқдорида 140 та мижозга истеъмол кредитлари ажратган бўлса, вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш йигит-қизларга берилган кредитлар миқдори ҳам анча ортди.

Пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш масаласи ҳам банк мутахассисларининг доимий эътиборида. Жумладан, ўтган ўн бир ой ичида банк кассаларига 61 миллиард 675 миллион сўм миқдорида нақд пул кирим қилинган бўлса, унинг 38 миллиард сўмга яқини савдо, 165 миллион сўми коммунал тўловлар ва бошқа тушумлардир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этишда банк томонидан жорий этилган омонатлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан, жамоа ўз ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида янги, жозибадор омонат турларини тақдим этиб келмоқда. Ҳозирги кунда банкнинг 23 турдаги омонатлари мижозларга хизмат қилаётгани шундан далолат беради.

Қисқа қилиб айтганда, бугун "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Андижон вилояти филиали жамоасининг шундай саъй-ҳаракатлари туфайли унинг мижозлари сафи тобора кенгайиб бораётир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА
МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



AVTODOM PLUS
"ГАЗ" русумининг расмий дилери
www.auto.uz

**Автосалон:**
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
**Офис:**
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН


# ЖАҲОН 24 соат ичида

***"France Presse" ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Вашингтон штатида қаҳратон қиш ўз ҳукмини ўтказмоқда.***

## Қаҳратон қиш синови



Ноқулай об-ҳаводан, айниқса, Вашингтон ва Мэриленд Балтимор шаҳарлари аҳолиси кўпроқ азият чекаётир. Бу ерда қорнинг қалинлиги 60 сантиметрдан ошган. Натижада ушбу ҳолат транспорт воситаларининг бир маромда ҳаракатланишида қийинчилик туғдирмоқда. Гарчи ҳудуддаги аэропортлар фаолияти расман тўхтатилмаган бўлса-да, юзлаб йўналишлардаги рейслар кечикиб амалга оширилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Вашингтонда охирги бор бундай қор ёғиши 1932 йилда кузатилган. Ўшанда унинг қалинлиги 30 сантиметрга етганди, холос.

***Жаҳон банки Озарбойжонга 450 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишини билдирди, дейилади "Reuters" ахборотида.***

## Инфратузилма яхшиланади

Молия муассасаси ва ушбу мамлакат ҳукумати томонидан бу борада ўзаро келишувга эришилган. Мазкур маблағ ҳудуддаги темир йўл инфратузилмасини яхшилашга сарфланиши кўзда тутилган.

Умуман, Озарбойжон мавжуд темир йўлларни модернизация қилиш учун 673 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтиришни режалаштирган.

## Инқироз келтирган зарар

***Якунига етаётган йил дунёдаги кўплаб авиакомпаниялар учун иқтисодий қийинчилик даври сифатида тарихда қолмоқда.***



Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) тарқатган маълумотга кўра, 2009 йилда жаҳон авиакомпаниялари ўтган йилдагига нисбатан 3,9 фоиз кам йўловчига хизмат кўрсатган. Пасайиш суръатлари Яқин Шарқ минтақасидан ташқари, дунёнинг деярли барча ҳудудларида кузатилган. Бу борада сезиларли салбий кўрсаткич Африка қитъасида (9,6 фоиз) қайд этилган. Европада эса ушбу ҳолат 4,8 фоизни ташкил қилган. Ҳисоб-китобларга кўра глобал молиявий-иқтисодий танглик соҳага 11 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

## Кутилганидан ҳам камроқ

***Спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Nike Inc" компаниясининг фойдаси аввал тахмин қилинганидан ҳам камроқ бўлган.***

Уолл-стрит таҳлилчилари олдинроқ бу борадаги кўрсаткич жорий йилнинг шу даврига келиб 0,71 фоизга тушишини маълум қилишганди. Якунда эса фойда ҳажми 0,76 фоизга камайиб, компания 375 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўқотган. Бунга "Nike Inc" маҳсулотлари бозорининг сустлашиб қолгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



***Халқ орасида "Ўйиндан ўт чиқди", деган гап бор. Зотан, бу ифодали иборанинг моҳиятида теран маъно мужассам. Қолаверса, ўт билан ўйнашишнинг хосиятсиз, боз устига, нақадар аянчли эканлигини билмайдиган инсон бўлмаса керак орамизда. Қизиқ, эндигина ақлини таниётган бола ҳам уйида, хонадонида гугурт чақиб, олов билан ўйнашнинг оқибатларини, озми-кўпми, ўз тасаввурида жонлантира олади.***

***Бинобарин, бу хусусда оилада ҳам, боғчаю мактабда ҳам, жамоатчилик орасида ҳам фарзандларимизга маънавий кўникмалар бериб борилмоқда. Бироқ Янги йил байрами яқинлашиши билан одамларни безовта қиладиган пақилдоқлар, пиротехника воситалари-чи? Улар келтириб чиқараётган оқибатлар, умуман, бундай воситаларнинг зиёну заҳмати ҳақида болаларимиз етарли тасаввурга эгами? Катталар-чи?***

## Пиротехника:

# ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси томонидан маълум қилинишича, жорий йилнинг ўтган даврида республикамиз божхоначилари томонидан пиротехника воситалари билан боғлиқ 90 га яқин қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 12 миллион дона "хавфли ўйинчоқ"ларнинг юртимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилиши олди олинди. Шунингдек, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам бундай воситалар савдосининг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида соҳа ходимлари ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 60 та гуруҳ тузилиб, улар иштирокида минга яқин рейд ўтказилган. Натижада 10 мингта дўкон ва савдо растаси, 40 мингдан ортиқ хонадон, 2 мингдан зиёд чакана савдо билан шуғулланувчи фуқаролар ва бошқа жамоат жойлари текширувдан ўтказилиб, 5 мингдан ортиқ пиротехника воситалари сотувдан олиб қолинган ва йўқ қилинган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, бундай воситаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган шахслар кимлар? Улар бу турдаги ноқонуний маҳсулотларни пуллашга қандай эришмоқдалар?

Тасаввур қилинг: етти-саккиз ёхуд ўн-ўн икки ёшли бола пиротехника воситасини харид қилиш учун савдо расталари, жамоат гавжум дўконларни оралаб, қонунбузар "тадбиркор"ни излаб топишга жазм қила олмайди. Қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари нигоҳидан паналаб, қинғир ишга қўл урган "тадбиркор" ҳам 1-2 қути пақилдоқ учун ўзини хавфга қўймай, маҳсулотни "шоввоз"ларга кўтарасига пуллайди. Қарабсизки, пақилдоқнинг харидори ҳам, сотувчиси ҳам болаларга айланади.

Бугун пойтахт маҳаллаларини айланиб, пақилдоқ ўйнаётган исталган болакайни сўроққа тутинг. У минглаб, миллионлаб ёшларимиз саломатлигига, тақдирига хавф солаётган бу ўйинчоқни бирор дўкондан эмас, балки маҳалладош ўсмирдан, қўшни боладан ва эҳтимол, синфдош дўстидан харид қилганини айтади. Шунда беихтиёр ўйга толасиз: 4-5 қути пақилдоқни пуллаб, даромад олишни кўзлаётган ўсмирлар ва болалар пиротехника воситаларини пана-пасқамда эмас, чўнтагида, ҳамёнида ва балки мактаб сумкасида сақлар?! Хўш, бундан ота-оналар, оиланинг катта ёшли аъзолари хабар топмасликлари мумкинми?!

— Битта қутида 60 дона пақилдоқ бўлади, — дейди ўзини Акбар деб таништирган ўсмир. — Болалар бир қути пақилдоқни 350 сўмдан олиб, 500-600 сўмга сотишади. Бундан ташқари, пақилдоқнинг бошқа турдагилари ҳам бор.

Кўча-кўйда кўзингиз тушгандир. Дарсдан қайтаётган бир тўп болаларнинг, қиз-жувонлар ва ҳатто қарияларнинг оёқлари остига пақилдоқ улоқтириб, бундан ўзича завқланадиган безори ўсмирлар бор. Ваҳоланки, фавқулодда қулоқни қоматга келтирган кучли товушдан асаб тизими, юрак фаолияти жиддий азият чекади. Қолаверса, бундай ҳолатлар туфайли ёнғин содир бўлиб, қўл-оёғи, танаси, юз-кўзи жароҳатланиб, шифохонага тушаётган инсонлар қанча?

### Эҳтиёт — шарт!

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг шу асосда қабул қилинган буйруғи бу борадаги муаммоларни бартараф этишда қўл келаяпти, — дейди пойтахтдаги 144-мактаб ўқитувчиси Мағфират Ҳакимова.— Мактаб атрофидаги дўконлар, кўчма савдо расталари, чакана савдо билан шуғулланувчи фуқаролар тегишли тартибда назоратга олингани ижобий самара бераяпти, албатта. Бироқ кенг жамоатчилик, ота-оналар бу масалага масъулият билан ёндашмас экан, муаммодан бутунлай халос бўлишимиз мушкул.

Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан олинган маълумотларда келтирилишича, жорий йилнинг 12-13 декабрь кунлари Тошкент вилоятида пиротехника воситаларининг ноқонуний савдоси бўйича йирик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси ҳамда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор текширув натижасида фуқаро Ф. Хайрулина ноқонуний равишда 4 миллион 670 минг сўмликдан зиёд пиротехника воситалари билан савдо қилаётганида қўлга олинган. Ушбу маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиниб, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёрдамида йўқ қилинган. Худди шундай ҳолат Ангрен шаҳар ҳудудида ҳам аниқланди. Фуқаро Б. Давлетов сохта тадбиркор Х. Хожиевга тегишли 55 миллион 252,6 минг сўмлик пиротехника воситаларини ноқонуний равишда олиб кетаётганида қўлга олинди. Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Кўп қаватли уй йўлагида туриб, ташқарида пақилдоқ ўйнаётган ўғлини койиётган аёлнинг сўзларини эшитдим: "Бошимни оғритиб юбординг, жувонмарг, уйга кир..." Ажабландим. Наҳотки, она пақилдоқ товушига дош беролмагани учунгина ўғлига дашном берса, койиса. Кўп қаватли уйда яшовчи бошқа инсонлар-чи? Уларнинг тинчини, хотиржамлигини ким ўйлайди?! Боз устига, пақилдоқдан жароҳат олиб шифохонага тушган, бир умр мажруҳ, ногирон бўлиб қолаётганлар қанча... Ҳатто баъзи ота-оналарнинг бундай "хавфли ўйинчоқлар"ни фарзандларига байрам совғаси сифатида харид қилишаётганини эшитиб, ёқа ушлайсан киши.

Янги йилни юртдошларимиз, халқимиз ҳамиша кўтаринки кайфиятда, шоду хуррамлик билан, ўзига хос анъана ва таомиллар асосида қарши олади. Бир қарашда, фарзандига турли мушаклар, пақилдоқлар олиб келиб, уларнинг кўнглини кўтариш, хурсанд қилиш истагидаги ота-оналарнинг ҳам нияти аслида эзгу эканлигига шубҳа йўқ. Бироқ, аввало, ўзимизнинг, қолаверса, атрофимиздагиларнинг тинчу ҳаловатини бузиб, фарзандларимиз саломатлигини хавфга қўйиб, пулимизни беҳуда сарфлаб, бундай "хавфли ўйинчоқ"ларни жигарбандимиз, укаю сингилларимиз қўлига тутқазишимиздан нима наф? Бунинг ўрнига Қорбобонинг сирли совғаси, байрам ўйинчоқлари, турли ширинликлар хонадонимизга хушкайфият, фарзандларимизга қувонч, дастурхонимизга зеб бахш этгани афзал эмасми?! Жудаям пулингиз ошиб кетган бўлса, уни савоб ишга сарфланг. Ҳалол меҳнат билан топилган пулга атрофга зарар келтирувчи пақилдоқлар сотиб олиш, юмшоқ қилиб айтганда, нодонликдир.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

## Ғолиблар аниқланди

***Намангандаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида қўл тўпи бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Бир ҳафта давом этган баҳсларда вилоятлардан ташриф буюрган саккизта терма жамоа ўзаро куч синашди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибор қўл тўпи бўйича ҳам иқтидорларни саралаш ва улар маҳоратини ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бу биринчилик беллашувларида майдонга тушган ўсмирларнинг дадиллик билан тўп суришларида яна бир бор кўзга ташланди. Муросасиз курашлар натижасига кўра, Андижон вилояти терма жамоаси биринчи, Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи, наманганлик ёш спортчилар эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

*Бизнесда муаммолар борми?*
*Қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари рўй бермоқдами?*
*Маслаҳат керакми?*

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоатчилик кенгашига мурожаат қилинг!*

*Жамоатчилик кенгаши телефони: (+99871) 150-60-05.*
*Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!*

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «Call-center»: (+99871) 150-60-06.*

*«24 соат маслаҳат хизмати»: (8-800) 120-04-04 (барча қўнғироқлар бепул).*

*Манзил:*
*100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.*
*E-mail: info@chamber.uz,*
*web-site: www.chamber.uz*

1172R/1556

Тадбир

***Адлия вазирлигида "Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

## КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНИГА ЕТДИ

Унда Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилда Адлия вазирлиги томонидан 40 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилган. Бундай тадбирлар нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам ўтказилмоқда. Ушбу тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда турли мулкчилик шаклидаги матбуот ва телерадиокомпанияларининг хизмати катта бўлаётир. Танловга мазкур мавзуда яратилган 60 дан зиёд мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари тақдим этилган бўлиб, уларнинг энг муносиблари саралаб олинди.

Пировардида "Самарқанд-СТВ" ижодий уюшмаси, ORIAT TPK, "Инсон ва қонун" газетаси, Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси вакиллари I даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. II ва III даражали диплом ҳамда совғалар "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион-таҳлилий эшиттиришлар муҳарририяти, "Region.uz" газетаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларига насиб этди.

Тадбирда, шунингдек, кўрик-танлов қамровини кенгайтириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» банки (ОАЖ)
жамоаси Сизларни кириб келаётган
Янги — 2010 йил
билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:
«ЯНГИ ЙИЛ—2010»

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:
«СТАБИЛЬНЫЙ» еврода
Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

«УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларида
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1240R/150

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ
ПОД ЗАКАЗ
182-62-17,
378-78-07,
441-85-46,
235-47-43.
1175R/1551

CSP PIPELINE
ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
*Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.*
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru
708H/1016

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «2-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ
пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилиш мақсадида янги
«Мерседес-Бенц» ва «ISUZU»
автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан



«Д» ТОИФАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР ҲАМДА ЧИПТАЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ойлик маошлар: «Мерседес-Бенц» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун 450 000 сўмдан 600 000 сўмгача, чиптачилар учун 150 000 сўмдан юқори.

«ISUZU» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун 250 000 сўмдан 300 000 сўмгача, чиптачилар учун 150 000 сўмдан юқори.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).
1344R/1757

Vinlad
*Ҳаётимизни осойишта қиламиз!*

Диққат, акция!
Гувоҳнома № 000969

«Vinlad» ихтисослашган ишлаб чиқариш корхонаси
АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА
видеокузатув ускуналарини таклиф этади.

- *Оқ-қора ТВ-камералар 50 000 сўмдан бошлаб, рангли ТВ-камералар 120 000 сўмдан бошлаб.*
- *Шунингдек, электр токининг йўналишини ўзгартирувчи асбоб, квадраторлар, видео ишғол қилиш платалари, DVR ва хавфсизлик тизими учун бошқа ускуналар.*
- *Кириш йўли назорати тизими, пластик карточкаларини босмалаш мосламалари.*
- *Периметрларни қўриқлаш тизимлари, видеокузатув, навигация тизимлари.*





Тошкент шаҳри. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.
Тел.: 277-97-14, 277-97-15, 277-92-67, 277-92-71.
Тел/факс: 277-00-68.
E-mail: vinlad@vinlad.uz Website: www.vinlad.uz

Маҳсулот сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.
1236R/1122

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 01.30
1 2 3 5